

**Қорақалпоғистон Республикаси
Санитария-эпидемиологик
осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизматининг
2022 йил 18 апрелдаги 23-П-сон
буйруғига 5-илова**

**Ходимларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини
ташкил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда – Ташкилот) ходимларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиласидиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг хуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқарманинг бошқа ички хужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.
2. Бошқарма ходимларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

3. Бошқарма ходимларини ўқитиш қўйидаги тамойилларга асосланади:

холислик – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро стандартлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жихатдан қулайлик – бошқарма ходимларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек бошқарма ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантикий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к. ўтиш асосида амалга оширилади;

ҳаммабоплик – ўқитиш ташкилот ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, бошқарманинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш;

дифференциаланган ёндашув – бошқармада коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга

олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда маҳсус ўқитилади;

ўқитиш усуслари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш – бошқарма ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек бошқарма ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

4. Ўқитиш шакллари ва усусларини аниқлашда, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда бошқарма ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қўйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, бошқарманинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, бошқарманинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан белгиланган коррупцияга қарши хулқ-атворнинг аҳлоқий қадриятлари ва бошқарманинг бошқа ички хужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Бошқарма ходимларини бошқармада амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, бошқарманинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ташкил этиш ва ўтказишга масъул шахслар

5. Бошқарманинг Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошқарма ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ташкилотда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъуллариди.

6. Бошқарманинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) бошқарма ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

7. Бошқарманинг Кадрлар бўлими Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қиласди.

8. Бошқарма Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар тузилмаси тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Бошқармада белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

9. Ўқитиш қўйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:
барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;

бошқарма ходимларини хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш; коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

бошқармада коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

10. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш бошқарманинг барча ходимлари учун мажбурий хисобланади.

11. Бошқарманинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қўйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқук ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талаблар, ташкилот ходимларининг коррупциявий харакатлари аниқланганда харакатлар кетмакетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар; олинган билимларни қўллаш қўнималари, жумладан бошқарманинг турли фаолият соҳаларидағи коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, бошқармада ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзуулардан фойдаланиш тавсия этилади.

12. Бошқарма бўлиши ва бошқармада қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

13. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

14. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

15. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қўйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.

16. Бошқармада коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперталарни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли шахслар (ташкилотлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

17. Бошқармада коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиши Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

18. Ушбу Йўриқноманинг 19-бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида б (олти) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиши муддатлари ва даврийлиги

19. Ўқитиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкилотнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиши, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

20. Бошқарма ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

21. Бошқарма ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

бошқармада коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

бошқарма раҳбари қарорига мувофиқ.

22. Бошқармага ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар 30 кун ичида коррупцияга қарши ўқитишиши шарт.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиши Кадрлар бўлими томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

23. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда маҳсус коррупцияга қарши ўқитиши этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишининг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

24. Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бошқармаси ҳар йили Ўқитиши жадвалини тузади ва жорий йилнинг 31 декабргача уни бошқарма раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиши жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиши муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиши жадвалида албатта ўқитиши курси номи, санаси, шунингдек ўқитиши тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар бўлиминынг масъул ходимлари ўқитиши бошланишидан 10 кун олдин ходимларни хабардор қиласи. Белгиланган муддатда ўқиши имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишини бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар бўлимини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиши интизомини назорат қилиш ва хужжатларни сақлаш

25. Кадрлар тузилмаси бошқарма ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йифиб боради ва уларни ҳар чоракда ташкилотнинг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.

Ички назорат тузилма олинган маълумотларни таҳлил қиласи ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши курашиши тизимининг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлади.

26. Ходим унга тайинланган ўқув курси ёки унинг натижалари бўйича тест синовларидан белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар бўлими бошлиги бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

27. Ўқитиши жадвали, йўқлама варақалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар Кадрлар бўлимида сақланади.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқарманинг ички хужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илгор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Бошқарманинг Ички назорат тузилмаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

29. Бошқарма ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ходимларининг коррупцияга қарши курашиш
соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш
бўйича йўриқномага илова

**Ташкилот тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишнинг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-хуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Бошқармада коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.
Коррупцияга қарши курашиш усуллари	Бошқармадаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи; Бошқармадаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиши тамойиллари).
Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	Бошқармадаи хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари; Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар; Совгалар ва меҳмондўстлик белгилари бериш/олищдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлик коррупциявий хавф-хатарлар; Ходимларни танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавфхатарлар; Харидларни амалга ошириш билан боғлик коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хизмат турлари учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битим талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлик коррупциявий хавф-хатарлар; Биноларни ижарага бериш билан боғлик коррупциявий хавф-хатарлар; Танловлар билан боғлик коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.
Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик; Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикаси коррупциявий ҳаракатларга доир ишлар бўйича суд амалиёти шарҳи.
Коррупцияга қарши курашища фуқаролик жамияти роли	Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида; Фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулк-атворини шакллантириш; Фуқаролик жамияти институтларининг бошқарма билан ўзаро ҳамкорлиги.